

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

# O'zbekistonda sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgz.uz, uzss@yandex.ru • 2018 йил 2 ноябрь • № 43 (1220)

## Ҳамкорлик

### АЛИШЕР ШАДМАНОВ: «ҚОЗОҒИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ БИЛАН ЎЗАРО КЕЛИШУВ ҲАМДА «ЙЎЛ ХАРИТАСИ» ИМЗОЛАНДИ»

Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ва Қозоғистон ҳукумати томонидан ташкил этилган Бирламчи тиббий ва санитар ёрдам кўрсатиш бўйича глобал конференциясида Ўзбекистон делегацияси ҳам иштирок этди.

Тадбирнинг иккинчи кунинда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Аlisher Шадманов сўзга чиқиб, юртимизда фуқароларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятларини яхшилашга, жумладан, бирламчи тиббий ёрдамни янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

– Ҳозирда Ўзбекистонда бирламчи тиббий ёрдам кўрсатадиган 2 минг 370 та тиббиёт муассасаси тармоғи мавжуд. Тиббий ёрдам сифатини яхшилаш, аҳолини кенг миқёсда қамраб олиш, уларни бирламчи тиббий ёрдам билан сифатли ва бепул таъ-

минлаш мақсадида ҳукумат қарорига мувофиқ, қишлоқ жойлардаги амбулатория хизматида катта ўзгаришлар амалга оширилди, – деди Аlisher Шадманов.

Яна бир эътиборли жиҳати, сўнгги икки йил давомида қишлоқ оилавий поликлиникаларида бешта, шаҳар оилавий поликлиникаларида эса ўндан зиёд тор соҳа мутахассислари фаолиятининг йўл қўйилгани ҳам бирламчи тиббий хизмат самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, вазир бирламчи соғлиқни сақлаш тизимини профилактик ва патронаж ишларига йўналтириш, Республика ихтисослаштирилган ва илмий-

амалий марказлари томонидан аҳолига ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатишни кенгайтириш ҳамда бирламчи тиббий ёрдам амалиётида диагностика ва даволаш стандартларини мувофиқлаштириш каби вазифалар ижроси йўлида ҳам фаол саъй-ҳаракатлар олиб борилаётганини қайд этди.

Шу кунини Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Аlisher Шадманов Қозоғистон соғлиқни сақлаш вазири Елжан Биртанов билан ҳам учрашди. Дўстона руҳда ўтган мулоқотда соғлиқни сақлаш ва тиббиёт соҳаларида икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш борасида қўллаб-имкониятлар мавжудлигига алоҳида эътибор қаратилди. Шундан келиб чиққан ҳолда тиббиёт соҳасида ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш мақсадида икки томонлама келишув ҳамда "йўл харитаси" имзоланди.



## Конференция ЎЗБЕКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИНING ГЛОБАЛ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАГИ ИШТИРОКИ

Ўзбекистон делегацияси ЖССТ Европа минтақавий бюросининг глобал конференциясида иштирок этди. Ушбу тадбир жаҳондаги бирламчи тиббий тизимнинг долзарб масалаларини муҳокама қилиш учун дунё давлатларининг соғлиқни сақлаш етакчиларини бирлаштирди.

Жорий йил 25 октябрь кунини Соғлиқни сақлаш вазири Аlisher Шадманов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ва Қозоғистон ҳукумати томонидан ташкил этилган Бирламчи тиббий ва санитар ёрдам кўрсатиш бўйича глобал конференцияда иштирок этмоқда. Ушбу тадбир жаҳондаги бирламчи тиббий тизимнинг долзарб масалаларини муҳокама қилиш учун дунё давлатларининг соғлиқни сақлаш етакчиларини бирлаштирди.

Қайд этиш жоизки, ушбу глобал конференция дунёнинг барча мамлакатларида сифатли тиббий хизматларни тақдим этиш имкониятларини яхшилашга ёрдам беради. Унда барча мамлакат вакиллари соғлиқни сақлашнинг умумий қамрови ва Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун бирламчи тиббий ёрдамга инвестицияларни қўпайтиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Зеро, бирламчи тиббий ёрдамга сармоя киритиш соғлиқни сақлаш қўламини янада яхшилаш ва тизим қамровини кенгайтириш учун энг самарали, иқтисодий ва адолатли стратегиядир. Конференцияда ҳар бир қитъа ва давлатларда бирламчи тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва тизимини такомиллаштиришга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Икки кун давомида конференция дастури доирасида олий даражадаги сессиялар, турли тадбир ва кўрсаткичлар ташкил этилиши кўзда тутилган.

Соғлиқни сақлаш вазири А. Шадманов  
Ахборот хизмати  
ЎЗА.

## Видеоселектор ТАНҚИД, ТАҲЛИЛ ВА ХУЛОСА

2018 йилнинг 31 октябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазириликнинг навбатдаги ҳайъат йиғилиши видеоселектор тарзда бўлиб ўтди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазириликнинг биринчи ўринбосари Баҳодир Юсупалиев кириш сўзи билан очиб, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган самарали ишлар ҳамда соҳада учраётган муаммо ва камчиликлар хусусида тўхтади.

Кун тартибидан ўрин олган асосий масалалардан бири "2017-2021 йилларда Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси ва унинг тасарруфидagi даволаш-профилактика муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон, Қарор ва Фармойиш ва топшириқларининг ижроси бўйича амалга оширилган ишлар, мавжуд муаммо ва камчиликлар ҳамда 2018 йилда амалга оширилши режалаштирилган устувор вазифалар тўғрисида" вазирликнинг Даволаш-профилактика ёрдамини ташкиллаштириш Бош бошқармаси Бошқармаси Фаррух Шарипов маъруза қилди. Маърузачи Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазириликнинг буйруғига асосан ташкил қилинган ишчи гуруҳ томонидан Хоразм вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тасарруфидagi тиббиёт муассасаларида олиб борилаёт-

ган ишлар бўйича ўтказилган текширув таҳлилини тақдим этди ва қўйидагиларни маълум қилди. Биринчи навбатда вилоят соғлиқни сақлаш тизимида ижро интизомини бажаришда хато ва камчиликларга йўл қўйилаётганлиги, аксарият ҳужжатлар зид равишда ишлатилганлиги, шунингдек, вазирликнинг буйруқлари талаблари бузилган, бундан ташқари кадрлар масаласига эътибор қаратилмаганлиги сабаб кадрлар етишмовчилиги ҳамда уларнинг ўз вақтида малака оширмаганлиги, бунинг баробарида 198 та мутахассисга эҳтиёж катталигини таъкидлаб ўтди. Айниқса, тез тиббий ёрдам йўналишида кадрлар етишмовчилиги ишлар самарадорлигига путур етказётганлигига алоҳида урғу берди. Шунингдек, вазирликнинг 56-сонли буйруғига амал қилинмаганлиги, яъни ўлим тўғрисидаги гувоҳномалар фуқароларга вақтида етказиб берилмаётганлиги, аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриклардан ўтказиш бўйича вазирликнинг 112-буйруғига риоя қилинмаётганлиги, натижада даволашга мўлжал бўлмаётганлиги, аҳолини муҳтож беморларга ўз вақтида ёрдам кўрсатилмаганлиги, амбулатор поликлиника муассасаларига қатнов яхши эмаслиги, тиббий ҳужжатлар тўғри юритилмаётганлигига ҳам ҳам

эътироз билдирди. Ишлар самарадорлигини рейтинг баҳолаш бўйича ҳисоблаш ишлари талаб даражасида эмаслигини, даволаш-диагностика жараёнлари тасдиқланган стандартларга мос келмаслигига эътибор қаратди. Бугунги кунда тизимнинг энг муҳим йўналишларидан бири бўлган тиббий санитария ҳолати ҳам ачинарли аҳволда эканлигини таъкидлаб, айниқса, шифо масканларида ишлатиладиган асбоб-ускуналар зарарсизлантирилмаганлиги, шунингдек, ишлатишга яроқсиз бўлиб қолган айрим тиббий асбоблар ҳамда қон ва қон маҳсулотларидан нотўғри фойдаланиш ҳолатлари учраганлигини афсус билан айтиб ўтди. Вилоятдаги мавжуд хато ва камчиликларни бартараф қилиш борасида қўрилган чоратadbirlar бўйича Хоразм вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Купалбай Тангрибердиев онлайн орқали мулоқотга киришиб, мазкур ҳолатлар бўйича ахборот берди. Вазирнинг биринчи ўринбосари Баҳодир Юсупалиев вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан берилган маълумотлар бўйича ҳанузгача ҳеч қандай чоралар қўрилмаганлигини, бунда эса раҳбар ходимларнинг маъсулиятсизлиги ва ўз ишига бўлган эътиборсизлигини қаттиқ танқид остига олди.

(Давоми 2-бетда).

## Видеоселектор

## ТАНҚИД, ТАҲЛИЛ ВА ХУЛОСА



Шу билан бирга, маърузачи иккинчи масала, яъни Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт марказида олиб борилаётган ишлар, уларнинг самарадорлиги ва мавжуд муаммолар тўғрисида ўз фикрларини билдирди. Марказда фаолиятлар тўғри йўлга қўйилган бўлса-да, ишчи гуруҳ томонидан айрим камчилик ва муаммолар мавжудлиги аниқланди. Улар буйича муассаса директори Шўхрат Мухторов чора-тадбирлар ишлаб чиқилганини, шунингдек, бу борадаги камчиликлар бартараф этилганлиги тўғрисида маълумот берди. Шу ўринда таъкидлаш муҳими, мазкур марказнинг Бухоро, Сурхондарё, Хоразм вилоят филиаллари ҳамда вилоят тиббиёт муассасаларида бўлимлар фао-

(Давоми. Боши  
1-бетда).

лият кўрсатаётганлигини, аynи пайтда ҳудудларда 32 нафар мутахассис етишмаслигига ҳам эътибор қаратилди. Бунинг баробарида, Сурхондарё вилоят филиалида ўз ечимини кутаётган муаммолар талайгина эканлиги айтилди. Қолаверса, Бухоро ва Хоразм вилоят филиалларида ҳам бу каби ҳолатлар учраганлиги тўғрисида сўз юритди.

Кун тартибидоги учинчи масала буйича вазирликнинг Комплекс фойдаланиш бўлими бошлиги Иззатилла Набиев даволаш-профилактика муассасаларини 2018-2019 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолати тўғрисида ахборот берди. Маърузачи мазкур мавзу юзасидан ўз фикрларини билдирар экан, мамлакатимиз тиббиёт муассасаларида бу борадаги фаолиятлар ханузгача ўз ечимини тополмай раҳбар ходимлар томонидан масъулиятсизликка йўл қўйи-

лаётганини айтиб ўтди.

Вазир ўринбосари Эльмира Баситханова сўзга чиқиб, туртинчи масала юзасидан, яъни Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, репродуктив саломатлиқни мустаҳкамлаш, туғма нуқсонли туғилишларнинг олдини олишга доир қарорлар ижроси тўғрисида фикрларини баён этди. Жумладан, чуқурлаштирилган тиббий кўриклар, "Соғлом аёл ойлиги", "Саломатлик мактаблари", "Аёллар маслаҳатхонаси", "Қизлар саломатлиги маркази" ҳамда "Тезкор алоқа" хизматларининг йўлга қўйилганлигини алоҳида таъкидлади. Бундан ташқари, "Соғлом аёл ойлиги"да 8,2 миллион аёл (март ва октябрь ойлари) тиббий кўриқдан ўтганлигини, шунингдек, яна 500 мингдан ортиқ ноябрь-декабрь ойларида ўтказилиши кўзда тутилганлигини маълум қилди. Шу билан бирга, амалдаги фаолиятлар қаторида айрим вилоятларда турмуш сони ошириб бораётганлиги, ҳудудий кесимларда мазкур йўналишда тизимли, мақсадли ва ҳаққоний патронаж хизматлари талаб даражасида олиб борилмаётганлигига қониқарсиз тарзда қаралаётганлигини афсус билан айтиди. Яна бир ориқли нукта, ханузгача турмуш муассасаларида таъмағирлик, деонтология қоидаларига риоя қилмаслик, ўз касбига нисбатан масъулиятсизликка йўл қўйлаётганлигига ҳам эътироз билдирди.

Шунингдек, кун тартибидан ўрин олган тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш буйича



амалга оширилаётган ишлар таҳлили, уларнинг сифати ва самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида, Давлат-хусусий шерикчилик асосида Ўзбекистон-Германия ҳамкорлигида ташкил этилган инвестицион лойиҳа тақдимоти буйича ҳам маърузалар қилинди.

Юқорида таъкидланган маърузалар юзасидан барча вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари ўз ахборотларини беришди.

Йигилиш сўнггида вазирнинг биринчи ўринбосари Баҳодир Юсупалиев кун тартибидан кўрилган масалалар юзасидан ўз фикрини билдириб, танқидий руҳда ўтган видеоселектордан тўғри хулоса чиқариш ва ечимини кутаётган муаммоларни тезкорлик билан бартараф этиш зарурлигини айтиб, масъулларга муҳим топшириқ ва тасвиалар берди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, йигилиш давомида ўртага

ташланган муаммолар буйича кўрилган чора-тадбирларга асосан хато ва камчиликларга йўл қўйган айрим мутасадди раҳбарларни эғаллаб турган лавозимидан озод қилиш, шунингдек, баъзиларига интизомий жазо чоралари кўрилди.

Хулоса қилиб айтганда, бундай камчиликлардан кўз юмиб бўлмайди. Чунки инсон ҳаётини сақлаб қолишда муҳим аҳамият касб этувчи тиббиёт бу каби кўпол хатоларни кечирмайди. Шундай экан, шифокорликни ўз бурчи деб билган ҳар бир мутахассис касб қасамёдига содиқ қолган ҳолда, масъулиятсизликка йўл қўймай фаолият юритишига Юртбошимиз таъкидлаганидек халқ розилигига эришамиз.

Кўрилган масалалар юзасидан вазирликнинг тегишли қарорлари қабул қилинди.  
Ибодат СОАТОВА.

## Долзарб мавзу

ПСИХИАТРИЯ МУАССАСАЛАРИ:  
МУАММОЛАР, ЕЧИМЛАР, ТАКЛИФЛАР

2018 йилнинг 26 октябрь кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида психиатрия муассасаларида беморларни даволаш ва уларга қараш, психиатрия муассасаларининг моддий-техник негизини яхшилаш, замонавий диагностика ва лаборатория асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш буйича амалга оширилаётган ишларнинг натижалари муҳокама этилди.

Тадбирда Сенат аъзолари, Вазирлар Маҳкамаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги масъул ходимлари, олий тиббий ўқув юртли раҳбарлари, соҳа муассасалари, бошқа мутасадди идоралар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари буйича Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилгандек, психиатрия ёрдами кўрсатиш соғлиқни сақлаш тизимининг муҳим бўғинларидан бири ҳисобланади. 2018 йил 16 мартда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори мазкур соҳадаги ташкилий-ҳуқуқий масалаларни ҳал этиш учун муҳим аҳамият касб этди.

Хусусан, Давлатимиз раҳбарининг Тошкент шаҳар клиник психиатрия шифохонасига ташрифи чоғида узоқ йиллардан бери мазкур соҳа тегишли давлат органлари эътиборсиз қолаётганлиги кўрсатиб ўтилган эди. Ҳозирги кунда кенг қўламли қурилиш ишлари олиб борилди, шифохонанинг 4 та янги корпуси қуриб ишга туширилди, шифохона ходимлари ва беморлар учун зарур қулай шарт-шароитлар яратилди. Худди шундай қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари Республика кузатув кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонасида ҳам амалга оширилди.

Мажлисида қайд этилганидек, республикаимизда 25 та психиатрия муассасаси фаолият юритмоқда, улар томонидан доимий равишда профилактика ва даволаш ишлари олиб борилмоқда. Шунга қарамай қатор муаммолар ҳал этилмай қолиб кетмоқда. Энг долзарб муаммолардан бири сифатида жойларда психиатрия шифокорларининг етишмаслиги ҳамда психиатрия муассасаларини малакали кадрлар билан таъминлаш ишлари суст олиб борилаётганлигидир.

Ўрганиш кўрсатишича, иш ҳақининг пастлиги, шифокорларнинг соғлиги ва ҳаёти ижтимоий сугурталанмаганлиги са-



бабли кўп қадрлар, айниқса, ёшлар ишдан бўшаб, хусусий клиникаларга ўтиб кетмоқда.

Мисол учун, 2018 йилнинг биринчи ярим йиллигида республика буйича 74 нафар мутахассис, шу жумладан уларнинг 16 нафари олий таълим муассасалари битирувчилари соҳада ишлашни бошлаган бўлса, ярим йилликнинг охирига келиб уларнинг 89 фоизи, яъни 66 нафари соҳани тарк этган.

Соҳа учун муҳим бўлган мутахассислар – суицидолог ва психиатрияга алоқадор бошқа тор ихтисосликлар буйича шифокорлар етишмаётганлиги кескин танқид остига олинди.

Сурхондарё ва Фарғона вилоятларидан ташқари мамлакатимизнинг бирорта минтақасида суицидология буйича мутахассислар мавжуд эмаслиги қайд этилди. Мажлис иштирокчилари соҳада эҳтиёж юқори бўлган тор ихтисосликлар буйича кадрлар тайёрлаш масаласи-

га тўхталиб, бугунги кунда республикаимизда психиатр-нарколог умуман мавжуд эмаслигини таъкидлаб ўтишди. Психиатрия муассасаларида штат бирликларининг етишмаслиги беморларга қарашда, уларнинг феъл-атворидан тажовузкор ҳолат юзага келган вақтда зарур чоралар кўрсатишда қийинчиликлар келтириб чиқармоқда. Бунинг оқибатида тиббиёт ходимларига тан жароҳати етказиш ҳолатлари учраб турибди.

Бу борада тиббиёт йўналишидаги олий ўқув юртлирининг дастурларини қайта қўриб чиқиш, кадрлар сонини кўпайтириш, ёш малакали мутахассисларни рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш зарурлигига алоҳида урғу берилди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 мартдаги "Психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги

Қарори билан тасдиқланган Дастурга мувофиқ соҳада мавжуд долзарб муаммолар қаторида психиатрия муассасаларининг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш зарурлигига ҳам тўхталиб ўтилди. Бироқ ушбу Дастурнинг ўз вақтида ижро этилмаслиги беморларга сифатли тиббий ёрдам кўрсатишда муаммолар келтириб чиқармоқда.

Шунингдек, тадбирда соҳада кузатилаётган муаммоларни бартараф этиш юзасидан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ахбороти эшитилди. Муҳокама чоғида мажлис иштирокчилари ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдирди.

Кўриб чиқилган масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

www.senat.uz

Сурхондарё вилояти

Соғлом аёл ойлиги

Андижон вилояти

# ХОТИН-ҚИЗЛАР САЛОМАТЛИГИНИ АСРАШ САЎЙ-ҲАРАКАТЛАР МАРКАЗИДА

**Халқимизда соғлом онадан соғлом фарзанд дунёга келади, деган нақл бор. Шу боис, мамлакатимизда аҳоли, хусусан, аёллар соғлиғини сақлашга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада қатор самарали фаолиятлар йўлга қўйилмоқда. Жумладан, аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар ва болалар ҳамда ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича мамлакатимизда тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, давлат тараққиётида жамият аъзоларининг жисмонан соғлом ҳамда баркамол бўлишлари муҳим аҳамият касб этади.**

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 ноябрдаги "2016-2020 йилларда Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2650-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил 20 сентябрдаги 549-сонли буйруғининг ижросини таъминлаш ҳамда амбулатор поликлиника муассасалари томонидан аҳолига кўрсатилаётган бirlamчи тиббий санитария ёрдами сифатини тақомиллаштириш, жумладан, жойларда туғиш ёшидаги аёлларнинг репродуктив саломатлигини яхшилаш, оналар ва болалар ўлимнинг олдини олиш мақсадида республикамиз бўйлаб жорий йилнинг 17 сентябрдан 20 октябргача "Соғлом аёл ойлиги" ўтказилди.

Айтиш жоизки, ушбу тадбирларга пухта тайёргарлик кўрилиб, мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида ҳам уюшқоқлик билан ташкил этилди. Жумладан, Сурхондарё вилоятининг Денов ва Узун туманларидаги хотин-қизлар "Соғлом аёл ойлиги"да фаол иштирок этишди.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, Денов туман кўп тармоқли марказий поликлиникасида "Соғлом аёл ойлиги"нинг ўтказилиш жараёнини ташкиллаштириш мақсадида умумий амалиёт шифокорлари ҳамда патронаж ҳамширалари билан ҳамкорликда чора-тадбир режаси тузилиб, ҳудуддаги 15 ёшдан 49 ёшгача бўлган туғиш ёшидаги аёлларнинг рўйхати шакллантирилди. Аҳоли гавжум жойлар, МФЙ идоралари, бекат, дўкон ва ноновъоналарда "Соғлом аёл" ойлиги тўғрисида эълонлар тарқатилди.

## А. ШЕРКОБИЛОВ, Денов тумани кўп тармоқли марказий поликлиника мудири:

– Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг тегишли буйруқлари асосида мазкур тадбирларни уюшқоқлик билан амалга оширдик. Аввало, ҳудуддаги барча хотин-қизларга "Соғлом аёл ойлиги"дан қўзланган мақсад, унинг афзалликлари тўғрисида батафсил тушунтириш берилди. Репродуктив саломатлиқни мустаҳкамлаш мақсадида туғиш мумкин бўлмаган аёллар рўйхати тузилиб, патронаж ҳамширалари томонидан улар манзилли равишда тиббий кўриқка чақирилди. Шу билан бирга, ис-талмаган ҳомиладорликдан сақлаш мақсадида чора-тадбир ишлаб чиқилиб, контрацептив воситалар билан таъминланди. Ушбу ойлик доирасида 1 минг 589 нафар туғиш ёшидаги аёл тиббий кўриқдан ўтказилди. Натижаларга кўра, уларнинг 772 нафаридида экстрогенетал, 122

нафарида эса гинекологик касалликлар аниқланди ва даволаниш муолажалари олиб борилди.

– Ёшим 27 да, – дейди Денов тумани "Саннатчилик" маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаро Хосият Шокирова. – Соғлом фарзандни дунёга келтиришим учун, аввало, ўзим соғлом бўлишим даркор. Бу борада менга яқинларим, қолаверса, ҳудудимиздаги шифокорлар доим маълумотлар беришади. Айтиш кераки, "Соғлом аёл ойлиги" доирасида ўтказилган мазкур чуқурлаштирилган тиббий кўриқлар аввалгиларидан анча фарқ қилади. Барча шарт-шароитлар яратилган бўлиб, тор соҳа мутахассислари, УТТ, ЭКГ ва лаборатория аппаратлари билан таъминланган. Соҳа ходимларининг хушмуомалалиги ва тажрибали эканлигини айтмай-сизми, барчаси биз аҳолининг дардига малҳам бўлишмоқда. Эътирофлиси, тиббий хизматлар бепул амалга оширилмоқда. Шу ўринда, ташкилотчи ва соҳа мутахассисларига ўз ташаккуримни билдираман.

## К. МАНСУРОВ, Узун туман тиббий бирлашмаси бошлигининг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича муювини:

– Биз нафақат туман марказида, балки чекка қишлоқларда ҳам туғиш ёшидаги аёлларнинг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар ва болалар ўлимнинг олдини олиш борасида эзгу фаолиятларни йўлга қўйганмиз. Улардан бири "Соғлом аёл ойлиги"дир. Мазкур тадбир доирасида тузилган "Йўл харитаси" бўйича муассасамизга қарашли қишлоқ оилавий поликлиникалари, қишлоқ врачлик пунктларида чуқурлаштирилган тиббий кўриқлар ташкил этилди. Бунинг учун жойларда барча шарт-шароитлар яратилди. УТТ, ЭКГ, лаборатория аппаратлари, стоматологик жамланмалар ва бошқа тиббий жиҳозлар, ҳудудий тор соҳа мутахассислари билан тўлиқ таъминланди. Узун туманида жами 42 минг 862 нафар туғиш ёшидаги аёл, улардан ўсмир қизлар 4 минг 311 нафар, ҳомиладор аёллар 3 минг 194 нафарни ташкил қилади. Уларга тарғиб-ташвиқот ишларини мунтазам олиб бормоқдамиз. Умумий амалиёт шифокорлари томонидан ҳудуддаги умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, маҳаллаларда "Тиббий кўрик ва унинг аҳамияти", "Соғлом онадан соғлом бола дунёга келиши – чексиз бот", "Еш оила саломатлиги", "Ўсмир қизлар гигиенаси каби мавзуларда давра суҳбатлари ўтказилди. Биргина мисол тариқасида айтиш мумкинки, тумандаги 72-сонли қишлоқ оилавий поликлиникаси ҳудудида 6 мингдан зиёд туғиш ёшидаги аёл бўлиб, уларнинг мазкур тадбирда фаол қатнашиши таъминланди. Чуқурлаштирилган тиббий кўрик натижаларига кўра, аниқланган касалликлар тиббиёт бир-

лашмаси бўлимларига даволаниш учун йўланмалар берилди.

– Мана, ҳозир ҳудудимизда ўтказилган аёллар учун чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтдим, – дейди туманнинг "Янгийўл" маҳалласида яшовчи фуқаро Дилафруз Исматов. – Таассуротларим ижобий. Ташкилотчилар бизнинг саломатлигимиз учун қайғуриб, барча шарт-шароитларни муҳайё қилишган. Деярли тор соҳа мутахассислари, УТТ, ЭКГ текширувлари ва лаборатор таҳлилларидан ўтдим. Текширув натижасига кўра, сурункали пиелонефрит хуружи ташхиси қўйилиб, даволанишим учун керакли дори-дармон ва тавсиялар берилди. Туман марказига бормаи, шу ернинг ўзида ҳудудимиздаги қишлоқ оилавий поликлиникасига барча тор соҳа мутахассислари келиб текширувлар ўтказиши биз аҳолигимиз учун қулайлик яратиб берди. Шу ўринда шифокорларга ўз ташаккуримни билдираман.

Андижон вилояти соғлиқни сақлаш мутасаддилари ҳам "Соғлом аёл ойлиги"ни ўтказишга пухта тайёргарлик кўрган. Вилонинг барча туманларида мазкур тадбир уюшқоқлик билан ўтказилди. Эътирофлиси, ҳудудлардаги хотин-қизлар бу каби эзгу фаолиятлардан мамнун бўлиб, тиббий кўриқларда фаол қатнашишди.

Жами 169 минг 745 нафар аҳолиси мавжуд Олтинкўл туманида 84 минг 223 нафар аёл, шундан 47 минг 123 нафар туғиш ёшидаги аёл истиқомат қилади. Тумандаги 350 қатновга мўлжалланган кўп тармоқли марказий поликлиника, 305 ўринга эга бўлган туман марказий шифохонаси ҳамда 7 та қишлоқ оилавий поликлиника, 4 та қишлоқ врачлик пунктида фаолият юратадиган 1 минг 872 нафар соҳа ходими томонидан хотин-қизлар чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди.

## Б. НОЗИМОВ,

Олтинкўл туман тиббий бирлашмаси бошлиги:

– Мазкур тадбир давомида кўп тармоқли марказий поликлиника негизида "Аёллар маслаҳатхоналари" ҳам ташкил қилинди. Бунда ҳомиладорликка қадар, ҳомиладорлик ҳамда туғруқдан кейинги даврда малакали акушерлик ва гинекологик амбулатор ёрдам кўрсатиш, ўзига бириктирилган ҳудуд аҳолисининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш ва оилани режалаштириш орқали она ва бола соғлиғини сақлашга эришиш каби мақсадлар қўзланган. Тадбирлар доирасида эрта турмушга чиқишнинг олдини олиш, туғруқлар ўртасидаги даврни узайтириш юзасидан тиббий ва ижтимоий-психологик нуқтайи назардан илмий асосланган маслаҳатлар берилди. Исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш, жинсий тарбия ва маданиятни оширишга қаратилган ҳамда жинсий йўллар орқали юқадиган касалликларнинг олдини олиш юзасидан аноним тарзда маслаҳатлар берилди. Туманда ўтказилган "Соғлом аёл ойлиги" тадбирида жами текширувдан ўтган аёллар сони 34 минг 871 нафар, улардан ҳомиладорлар 3 минг 392, 12 ҳафтагача мудатда бўлган ҳомиладорлар 3 минг 151 нафарни ташкил этди. 576 нафар аёл скрининг



текширувдан ўтди, 4 минг 180 нафар аёлда энгил хасталиклар, 106 нафаридида эса гинекологик касалликлар аниқланди. Шу билан бирга, юрак қон-томир, нафас олиш тизими, буйрак-сийдик йўллари, ошқозон-ичак ҳамда эндокрин касалликлар аниқланган аёлларга соғломлаштириш ишлари бўйича даво чоралари кўрилиб, вилоят тиббиёт муассасаларига жўнатилди. Бунинг баърида, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, касалликлар профилактикаси, соғлом оилани шакллантириш, ногиронлиги бўлган болалар туғилишининг олдини олиш, тиббий маданиятни ошириш, қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг салбий оқибатлари борасида тарғибот-тушунтириш ишлари ўтказилди.

## Х. КОМИЛОВ, Асака туман тиббиёт бирлашмаси бошлиги:

– Маълумки, мамлакатимизда давлатимиз томонидан аёллар саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Айнан уларнинг ижроси бўйича жойларда хотин-қизларнинг тиббий маданиятини ошириш, кам таъминланган оилаларга манзилли тиббий ёрдам кўрсатиш, республика скрининг ва репродуктив марказлари хиз-

матларини янада ривожлантириш бўйича тизимли ишлар амалга ошириляпти. "Соғлом аёл ойлиги" ана шуларнинг мангикий давоми, десак муболаға бўлмайди. 312 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилувчи туманимизда 1 та марказий поликлиника ва унинг 3 та ҳудудий бўлимлари, 7 та оилавий поликлиника ва 5 та қишлоқ врачлик пунктлари фаолият юритади. Республика-мизнинг барча вилоятларида бўлгани каби ҳудудимизда ҳам "Соғлом аёл ойлиги"га пухта тайёргарлик кўрилди. Шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиника негизидида "Аёллар маслаҳатхоналари" ташкил қилинган бўлиб, ушбу даволаш-профилактика муассасаларининг таркибий қисми ҳисобланади. "Соғлом аёл ойлиги" тадбирида Асака туманидан текширувдан ўтган туғиш ёшидаги аёллар сони 60 минг 723 нафарни ташкил этиб, юрак қон-томир, нафас олиш тизими, буйрак сийдик йўллари, ошқозон-ичак ҳамда эндокринологик, бепушлик, сурункали аднексит, туҳумдон кистаси, бачадон миомаси каби касалликлар аниқланди ва соғломлаштириш ишлари бўйича даво чоралари кўрилиб, вилоят илмий-амалий тиббиёт муассасаларига жўнатилди.

## ХУЛОСА ЎРНИДА

Ҳа, эртасини ўйлаб бугун эзгу фаолиятларни йўлга қўйган юртинг келажаги порлоқ. Мамлакат истиқболини қуришда соғлом авлод муҳим роль ўйнайди. Соғлом авлодди эса соғлом оналар дунёга келтиради. Шу боис, аёллар саломатлигини асраш каби мақсадларга йўналтирилган "Соғлом аёл ойлиги" доирасидаги тиббий кўриқларда минглаб хотин-қизлар фаол қатнашишди. Аммо мамлакатимизда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш мазкур ойлик билан чегараланмайди, аксинча, бундай фаолиятлар манзилли равишда мунтазам ўтказиб келинади. Зеро, Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: "...хотин-қизларга эътибор ҳамма вақт барча саъй-ҳаракатлар марказида бўлиши, ҳаммамизнинг вазиғамизга айланishi керак. Оилага эътибор аслида бу ўзлгимизга эътибордир".

Жонибек МАЪРУПОВ.

## ЭЪЛОН

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 сентябрдаги 736-сон "Давлат тиббиёт ташкилотларининг тиббиёт кадрларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакаси ва касб кўникмаларини оширишни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги давлат тиббиёт ташкилотларининг тиббиёт кадрларини хорижий етакчи тиббиёт ва илмий муассасаларга қайта тайёрлаш ҳамда малака ошириш, илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва касб кўникмаларини оширишга юбориш учун жорий йилнинг 1 ноябридан 1 декабригача**

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Танловда иштирок этиш учун куйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- а) Ҳайъат раиси номига таълимнинг шакли ва йўналиши кўрсатилган, белгиланган тартибдаги ариза;
- б) белгиланган шаклдаги маълумотнома-объективка (анкета);
- в) давлат тиббиёт ташкилоти раҳбарининг номзодни хорижий тиббиёт ва илмий муассасаларда қайта тайёрлаш ва малака ошириш зарурлиги кўрсатилган тавсияномаси;
- г) олий таълим муассасасини тугатганлигини тасдиқловчи диплом нусхаси;
- д) илмий даражаси ва илмий унвонини тасдиқловчи дипломларнинг нусхаси (агар мавжуд бўлса);

- е) меҳнат дафтарчаси нусхаси;
- ж) паспорт нусхаси;
- з) ҳарбий билет ёки қақрув гувоҳнома нусхалари;
- и) ўрнатилган ҳажмдаги фотосуратлар (Ҳайъат томонидан белгиланади);
- к) чет тилидан билим даражасини белгилловчи амалдаги миллий ёки халқаро сертификат (Миллий квалификация сертификати, IELTS, TOEFL ва шу қабилар), агар мавжуд бўлса.

Танловда иштирок этиш учун ҳужжатлар тиббиёт ходими меҳнат қилаётган давлат тиббиёт ташкилоти кадрлар бўлими томонидан Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармалари кадрлар бўлимига тақдим этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармалари, Республика ва вилоятлар давлат санитария-эпидемиология назорат марказлари томонидан ҳужжатлар ихтисослаштирилган, илмий-амалий тиббиёт марказлар, илмий текшириш институтлари ишчи органига тақдим этилади.

Танловда иштирок этувчилар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатларни ўрганиб чиқиш Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 15 февралдаги 98-сон буйруғи билан тасдиқланган Давлат тиббиёт ташкилотларининг тиббиёт кадрларини хорижий етакчи тиббиёт ва илмий муассасаларга қайта тайёрлаш ҳамда малака оширишга юбориш учун танлов асосида

танлаб олиш, шунингдек, республикага етакчи хорижий тиббиёт ҳамда илмий муассасалардан тақлиф этиладиган малакали хорижий тиббиёт мутахассисларининг рўйхатини шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

Тақдим этилган ҳужжатларда камчиликлар мавжуд бўлса, Ҳайъатнинг ишчи органи томонидан давлат тиббиёт ташкилотига аниқланган камчиликларни ва уларни бартараф этиш мuddати кўрсатилган хабарнома юборилади.

**Камчилик хабарномада белгиланган мuddатда бартараф этилмаган номзод танловга қўйилмайди.**

**Мурожаат учун телефон: (0371) 239-48-36.**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг  
2018 йил 15 февралдаги 98-сонли буйруғига  
илова

**Давлат тиббиёт ташкилотларининг тиббиёт кадрларини хорижий етакчи тиббиёт ва илмий муассасаларга қайта тайёрлаш ҳамда малака оширишга юбориш учун танлов асосида танлаб олиш, шунингдек, республикага етакчи хорижий тиббиёт ҳамда илмий муассасалардан тақлиф этиладиган малакали хорижий тиббиёт мутахассисларининг рўйхатини шакллантириш тартиби тўғрисидаги**

**НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 сентябрдаги 736-сон "Давлат тиббиёт ташкилотларининг тиббиёт кадрларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакаси ва касб кўникмаларини оширишни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ давлат тиббиёт ташкилотларининг тиббиёт кадрларини хорижий етакчи тиббиёт ва илмий муассасаларга қайта тайёрлаш ҳамда малака оширишга юбориш учун танлов асосида танлаб олиш, шунингдек, республикага етакчи хорижий тиббиёт ҳамда илмий муассасалардан тақлиф этиладиган малакали хорижий тиббиёт мутахассисларининг рўйхатини шакллантириш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом талаблари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги давлат тиббиёт ташкилотларига ва уларнинг тиббиёт кадрларига ҳамда республикага етакчи хорижий тиббиёт ҳамда илмий муассасалардан тақлиф этиладиган малакали хорижий тиббиёт мутахассисларига нисбатан татбиқ этилади.

2. Давлат тиббиёт ташкилотларининг тиббиёт кадрларини (бундан буён матнда - тиббиёт кадрлари) хорижий етакчи тиббиёт ва илмий муассасаларга қайта тайёрлаш ҳамда малака оширишга юбориш учун танлов (бундан буён матнда - танлов) тиббиёт кадрларини илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва хорижий тиббиёт мутахассисларини жалб этиш асосида уларни қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишни ва касб кўникмаларини самарали ташкил этиш мақсадига ўтказилади.

Тиббиёт кадрларини хорижий етакчи тиббиёт ва илмий муассасаларга (хорижий тиббиёт муассасалари) қайта тайёрлаш ҳамда малака оширишга юбориш учун танлов номзодларни саралаш йўли билан ҳамда республикага етакчи хорижий тиббиёт ҳамда илмий муассасалардан тақлиф этиладиган малакали хорижий тиббиёт мутахассисларининг рўйхатини шакллантириш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ҳайъати томонидан (бундан буён матнда - Ҳайъат) амалга оширилади.

3. Ҳайъат таркиби, шунингдек, унинг иш регламенти Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Кадрлар бошқармаси Ҳайъатнинг ишчи органи ҳисобланади.

**2-боб. Хорижий тиббиёт муассасаларига юбориладиган тиббиёт кадрлар рўйхатини шакллантириш тартиби**

4. Хорижий тиббиёт муассасаларига юбориладиган тиббиёт кадрлар рўйхати ҳар йили 1 декабригача Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Халқаро бўлимига республика давлат тиббиёт ташкилотларидан ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаларидан келиб тушган умумлаштирилган тақлиф асосида Ҳайъат томонидан шакллантирилади.

5. Ҳайъат томонидан ишчи органига тақдим этилган хорижий тиббиёт муассасаларига юбориладиган тиббиёт кадрлар рўйхати мақсадга мувофиқлиги бошқича-бошқич ўрганиб чиқилади.

Бунда хорижий тиббиёт муассасаларини танлаб олиш тўғри-

сидаги қарорни қабул қилишда ушбу тиббиёт муассасаларининг ихтисослиги бўйича илмий салоҳияти, унинг илмий мақоми ва малакаси, тиббиёт муассасаларида замонавий даволаш ва профилактика муолажалари кўлланиши, юқори технология тиббиёт анжомлар билан жиҳозланганлиги бўйича берилган баҳо ҳисобга олинади.

6. Ҳайъат юқоридаги талаблар асосида тиббиёт кадрларини юбориш бўйича қабул қилинган қарорига мувофиқ танлов солиблари ҳисобланган хорижий тиббиёт муассасаларига юборилади. Тиббиёт кадрларининг рўйхатини шакллантириб, тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилади.

**3-боб. Хорижий тиббиёт муассасаларига қайта тайёрлаш ҳамда малака оширишга юбориш бўйича танловда қатнашиш учун ҳужжатларни қабул қилиш тартиби**

7. Танлов тўғрисидаги эълон Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қабул қилинади, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

8. Танловни ўтказиш ҳақидаги эълонда куйидаги маълумотлар бўлиши зарур:

- а) танловни ўтказиш мuddатлари ва манзили;
- б) танловда иштирок этиш учун аризаларни қабул қилиш мuddатлари ва манзили;
- в) номзодларга қўйиладиган талаблар;
- г) номзодлар тақдим этидиган ҳужжатлар рўйхати;
- д) боғланиш учун телефон рақамлари ва электрон манзиллар рўйхати.

9. Танловда иштирок этиш учун ҳужжатлар Ҳайъатнинг ишчи органига тиббиёт кадрларининг асосий иш жойи бўлган давлат тиббиёт ташкилоти томонидан тақдим этилади.

Ҳайъат ишчи органига куйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- а) Ҳайъат раиси номига таълимнинг шакли ва йўналиши кўрсатилган ариза;
- б) белгиланган шаклдаги номзоднинг маълумотнома-объективкаси (анкета);
- в) давлат тиббиёт ташкилоти раҳбарининг номзодни хорижий тиббиёт ва илмий муассасаларда қайта тайёрлаш ва малака ошириш зарурлиги кўрсатилган тавсияномаси;
- г) олий таълим муассасасини тугатганлигини тасдиқловчи диплом нусхаси;
- д) илмий даражаси ва илмий унвонини тасдиқловчи дипломларнинг нусхаси (агар мавжуд бўлса);
- е) меҳнат дафтарчаси нусхаси;
- ж) паспорт нусхаси;
- з) ҳарбий билет ёки қақрув гувоҳнома нусхалари;
- и) ўрнатилган ҳажмдаги фотосуратлар (Ҳайъат томонидан белгиланади);
- к) чет тилидан билим даражасини белгилловчи амалдаги миллий ёки халқаро сертификат (Миллий квалификация сертификати, IELTS, TOEFL ва шу қабилар).

10. Тақдим этилган ҳужжатларда камчиликлар мавжуд бўлса, Ҳайъатнинг ишчи органи томонидан давлат тиббиёт ташкилотига аниқланган камчиликларни ва уларни бартараф этиш мuddатлари кўрсатилган хабарнома юборилади.

Камчилик хабарномада белгиланган мuddатда бартараф этилмаган номзод танловга қўйилмайди.

**4-боб. Хорижий тиббиёт муассасаларига қайта тайёрлаш ҳамда малака оширишга юбориш учун тиббиёт кадрларининг танловини ўтказиш тартиби**

11. Давлат тиббиёт ташкилотлари томонидан тақдим этилган ҳужжатлар Ҳайъатнинг ишчи органи томонидан ўрганиб чиқилади. Танлов бўйича Ҳайъат мажлислари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган жадвалга мувофиқ ўтказилади. Танлов ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

12. Номзодларни танловда саралаш икки bosқичда амалга оширилади. Биринчи bosқичда мутахассислик бўйича чет тилини билиш даражаси, чет тилида тахлил қила олиш қobiliяти, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини (МДХ давлатларига юборилётган номзодлар учун рус тилини билиш мажбурий) эгалланганлигини баҳолаш бўйича тест синовлари ўтказилади.

13. Чет элнинг таълим ва илмий муассасалари талаблари даражасида чет тилини билишни тасдиқловчи амалдаги халқаро ёки миллий сертификат, В.С. га эга номзодлар чет тили синовларидан озод қилинади ва уларга чет тили бўйича тест синовларидан ўтпаниши мумкин бўлган баллнинг энг юқори даражаси белгиланади.

14. Тест синовлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Врачлар ва фармацевтларни аттестациядан ўтказиш ва уларга лицензия бериш Республика маркази томонидан ўтказилади.  
(Давоми 5-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг  
2018 йил 15 февралдаги 98-сонли буйруғига  
илова

## Давлат тиббиёт ташкилотларининг тиббиёт кадрларини хорижий етакчи тиббиёт ва илмий муассасаларга қайта тайёрлаш ҳамда малака оширишга юбориш учун танлов асосида танлаб олиш, шунингдек, республикага етакчи хорижий тиббиёт ҳамда илмий муассасалардан таклиф этиладиган малакали хорижий тиббиёт мутахассисларининг рўйхатини шакллантириш тартиби тўғрисидаги

### НИЗОМ

Иккинчи босқичда Хайъат аъзолари томонидан номзодлар билан куйидаги йўналишларда суҳбат ўтказилади:

номзодни соғлиқни сақлаш тизимида амалга ошириладиган ислохотларнинг мақсади, вазифалари, моҳияти ва мазмунидан хабардорлиги;

номзоднинг тегишли тиббиёт ихтисослиги бўйича касбий кўникмаларга эгаллиги.

15. Танловнинг биринчи ва иккинчи босқичларидан ўтиш учун номзоднинг тўплаган баллари йиғиндиси жами 70 баллдан кам бўлмаслиги, шу жумладан тест натижаси 40 баллдан кам бўлмаслиги лозим. Танловнинг ҳар иккала босқичида энг кўп балл тўплаган номзод танловдан муваффақиятли ўтган деб ҳисобланади.

16. Хорижий тиббиёт муассасаларига қайта тайёрлаш ва малака ошириш учун юбориш бўйича ўтказилган танлов якуни Хайъат мажлиси баённомаси билан расмийлаштирилади ва Хайъат раиси томонидан тасдиқланади.

17. Тиббиёт кадрларини хорижий тиббиёт муассасаларига қайта тайёрлаш ва малака оширишга юбориш бўйича танлов натижалари ўн кун ичида эълон қилинади ҳамда эълон қилинган куннинг эртасидан кечиктирмасдан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг веб-сайтига жойлаштирилади.

18. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳар йилнинг 15 мартига қадар давлат тиббиёт ташкилотларининг танлов ғолиблари ҳисобланган тиббиёт кадрларини хорижий тиббиёт муассасаларига қайта тайёрлаш ва малака ошириш учун юбориш бўйича режа-жадвалини шакллантиради ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади.

19. Танлов ғолиблари ҳисобланган тиббиёт кадрларининг хорижий тиббиёт муассасаларига қайта тайёрлаш ва малака ошириш бўйича режа-жадвалини шакллантиради ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади.

(Давоми. Боши  
4-бетда).

саларида қайта тайёрловдан ўтиш ва малакасини ошириш даврида асосий иш жойи сақланиб қолинади.

5-боб. Хорижий тиббиёт муассасаларида қайта тайёрлашдан ўтган ва малака оширган тиббиёт кадрларининг мажбуриятлари

20. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, унинг худудий органлари, давлат тиббиёт ташкилоти ҳамда танловдан ўтган тиббиёт кадрлари ўртасида уч томонлама шартнома (бундан буён матнда – шартнома) тузилади. Мазкур шартномада хорижий тиббиёт муассасаларида қайта тайёрловдан ўтиш ва малака ошириш ҳамда тиббиёт кадрларининг чет элдан қайтган мажбурий ишла бериш шартлари белгилана кўйилади.

21. Тиббий кадрнинг тегишли давлат тиббиёт ташкилотидан меҳнат фаолиятини давом эттира олмаслигининг сабаблари шартномада белгилана берилади.

6-боб. Апелляция шикоятлари бериш ва уни кўриб чиқиш тартиби

22. Мазкур Низом талаблари ҳақида қўриқилиш, шунингдек, суҳбат ва тест синовларини ўтказиш натижалари бўйича тушган шикоятларни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида апелляция комиссияси (бундан буён матнда - Комиссия) тузилади.

23. Комиссия таркиби ва иш регламенти Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади. Хайъат аъзолари ҳамда танловдан иштирок этган шахслар апелляция комиссияси таркибига киритилмайди.

24. Комиссия номига шикоят танлов натижалари расмий эълон қилингандан сўнг уч кун мобайнида берилади.

25. Апелляция шикояти Комиссия томонидан ети кун ичида номзод иштирокида, зарур ҳолларда суҳбат ўтказган Хайъат аъзоларини, тест синовларини ўтказишга масъул бўлган ходимларни ва ҳолис экспертлар таклиф этилган ҳолда кўриб чиқилади. Апелляция шикоятида кўрсатилган вазирлар Комиссия

томонидан танлов материаллари асосида ўрганилади. Апелляция шикоятини кўриб чиқиш натижаси бўйича шикоятни қаноатлантириш ёки рад этиш юзасидан қарор қабул қилинади.

26. Комиссия қарори устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиш мумкин.

7-боб. Республикага етакчи хорижий тиббиёт ҳамда илмий муассасалардан таклиф этиладиган малакали хорижий тиббиёт мутахассисларининг рўйхатини шакллантириш тартиби

27. Таклиф этиладиган хорижий тиббиёт мутахассисларининг рўйхати ҳар йили 1 декабрдан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг худудий органлари, давлат тиббиёт ташкилотлари, шунингдек, хорижий тиббиёт ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш таҳрибасига эга бўлган тиббиёт ходимларининг таклифи асосида Хайъат томонидан шакллантирилади.

28. Хайъатга тушган таклиф этиладиган хорижий тиббиёт мутахассислар рўйхати, у ёки бу мутахассисни таклиф этишни мақсадга мувофиқлиги босқич-босқич ўрганиб чиқилади.

Бунда у ёки бу хорижий малакали мутахассисни таклиф этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилишда ушбу мутахассис эгаллаган тиббиёт соҳаси йўналишининг долзарблиги, унинг илмий мақоми ва малакаси, тиббиёт муассасаларни модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш бўйича қўйилган вазифаларга мослиги ҳисобга олинади.

29. Хайъат юқоридаги талаблар асосида таклиф этиш тавсия этилган хорижий тиббиёт мутахассисни таклиф этиш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги юзасидан қарор қабул қилинади. Таклиф этиш бўйича қарор қабул қилинган хорижий тиббиёт мутахассислари рўйхати асосида уларни таклиф этиш юзасидан Режа-жадвал тузилиб, тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилади.

8-боб. Тиббиёт кадрларини хорижий етакчи тиббиёт ва илмий муассасаларга қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш, шунингдек, республикага етакчи хорижий тиббиёт ҳамда илмий муассасалардан малакали хорижий тиббиёт мутахассисларни жалб этиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш

30. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигиغا марказлаштирилган тартибда ҳар йили ажратиладиган бюджет маблағлари, давлат тиббиёт ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари, халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, хорижий ҳукумат ташкилотларининг грантлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар давлат тиббиёт ташкилотларининг тиббиёт кадрларини хорижий етакчи тиббиёт ва илмий муассасаларга қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишга юбориш, шунингдек, республикага малакали хорижий тиббиёт мутахассисларини жалб этиш харажатларини молиялаштириш манбалари ҳисобланади.

31. Қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш учун хорижга юборилган тиббиёт кадрлари ҳамда хориждан таклиф этиладиган малакали тиббиёт мутахассисини учун транспорт, яшаш, консуллик тўлови, суғурта ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган хизмат саҳна билан боғлиқ харажатлар тўлаб берилади.

32. Харажатларнинг дастлабки тўлови тасдиқланган харажатлар сметасига мос равишда аванс тўлови билан якуний тўлов эса хорижга чиқиб келган мутахассиснинг ҳақиқий харажатларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

33. Хорижга юборилган мутахассисларни юқоридан қайд этилган харажатларини тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрлар ва тартиб бўйича амалга оширилади.

34. Давлат тиббиёт ташкило-

тининг хорижга юбориладиган мутахассисини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича хорижий тиббиёт ва илмий муассасалар билан тўғридан-тўғри шартномаши мавжуд бўлган ҳолда унинг яшashi, овқатланиши ва бошқа харажатлар, шунингдек, таклиф этилган хорижий тиббиёт мутахассисларини меҳнатига ҳақ тўлаши улар билан тузилган шартномалар асосида амалга оширилиши мумкин.

35. Жалб этилган хорижий тиббиёт мутахассисларининг меҳнатига ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, худудий соғлиқни сақлаш органлари, давлат тиббиёт ташкилотларининг улар билан тузган шартномалари асосида амалга оширилади.

36. Ўрнатилган тартибда тасдиқланган харажатлар сметаси ҳамда қайта тайёрлаш ва малака оширишдан сўнг мутахассиснинг кейинги меҳнат фаолиятини амалга оширишни кафолатловчи уч томонлама шартнома қайта тайёрлаш ва малака ошириш учун хорижга юбориладиган мутахассисга аванс тўловини тўлашга асос ҳисобланади.

9-боб. Ҳисобот, ҳисобга олиш ва назорат

37. Давлат тиббиёт ташкилотларининг тиббиёт кадрларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш учун етакчи хорижий тиббиёт ва илмий муассасаларга юбориш, шунингдек, хорижий малакали тиббиёт мутахассисларини республикага жалб этиш билан боғлиқ сарф-харажатлар учун марказлашган бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланишни ҳисобга олиш, ҳисобот бериш ва назорат қилиш қонун ҳужжатларига мувофиқ равишда амалга оширилади.

10-боб. Якуновчи қондилар

38. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

## Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўринбосари, Республика бош Давлат санитария врачлари С. С. Сайдалиевнинг Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Дилхуш кўчаси 37-уйда яшайдиган фуқаро А. Акбаров хонадонидан қайд этилган гуруҳли овқатдан захарланиш буйича расмий АХБОРОТИ

2018 йил 31 октябрь кuni Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Дилхуш кўчаси 37-уйда истиқомат қилувчи фуқаро А. Акбаров хонадонидан қайд этилган гуруҳли овқатдан захарланишда гумон ҳолати бўйича куйидагилар маълум қилинади:

Хонадон эгаси Алишер Акбаровнинг 42 ёшли аёли Умида Хаитова 2018 йил 30 октябрь кuni соат тахминан 20:00 ларда Республика Шоишлич тиббий ёрдам илмий марказининг рўпарасидаги миллий таомлар кафеасидан 5 дона, сикхга тортилган қўйма кабоб, тандир нон ва уккус солинган пиёз сотиб олган ва уйига олиб борган. Уни оила аъзолари, яъни қизлари Азиза Акбарова (1996 йил), Эъзоза Акбарова (2001 йил), Ирода Акбарова (2003 йил) ва ўғли Фарух Акбаров (2012 йил) билан бирга соат

20:30 да истеъмол қилган.

У. Хаитованин берган маълумотида кўра, кабобда ноҳуш хид ва таъм сезилмаган. Соат 23:30 ларда болалар, уйнинг иккинчи қаватидаги хонага қичиб, улашган. Уларда ҳеч қандай касаллик белгилари кузатилмаган. У. Хаитованин тахминан соат 23:30 ларда боши қаттиқ оғриган, кўнгли айниб ва кўп марта қайт қилган. Хонадон эгаси А. Акбаров кабоб истеъмол қилинган вақтда уйда бўлмаган, тахминан соат 24:00 да уйга қайтган. Турмуш ўртоғининг соғлиғи ёмонлашганиги тўғрисида тез тиббий ёрдам хизматида мурожаат қилинмаган.

2018 йил 31 октябрь тонг соат 04 ларда У. Хаитова иккинчи қаватдаги фарзандлари ухлаётган хонани очиб кўрганда болаларини оғзидан кўпик суқуслари қичиб, беҳуш ҳолда ётганлигини кўриб, тез тиб-

бий ёрдам хизматида мурожаат қилган. Соат 04:30 да тез тиббий ёрдам мутахассислари келиб, улар томонидан У. Хаитованин қизлари Азиза Акбарова, Эъзоза, Ирода ва ўғли Акбаров Фарухда биологик ўлим ҳолати қайд этилган.

Айни пайтда А. Акбаров соғлом, унинг турмуш ўртоғи У. Хаитовага эса Республика Шоишлич тиббий ёрдам илмий марказида тиббий ёрдам кўрсатилмоқда, аҳоли қониқарли.

Маълумот учун, ушбу хонадон эгалари Дилхуш кўчаси 37-уйдаги янги қурилган 3 қаватли бинога яқинда кўчиб ўтишган. Уй ер тўлада ўрнатилган, табиий газда ишлайдиган иситиш қозони орқали иситилди.

Юзага келган ушбу ҳолат бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг топиригига мувофиқ, Бош прокуратура,

Ички ишлар ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ҳамда Санитария-эпидемиология хизмати мутахассисларидан иборат ҳукумат комиссияси тузилди.

Комиссия томонидан ушбу ҳолат бўйича овқатдан ёки ис газидан захарланиш тахминлари ўрганилмоқда.

А. Акбаров хонадонини ва миллий таомлар кафеасидаги ташқи муҳит объектларидан таҳлиллар учун тегишли намуналар олиниб, Республика давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг лабораториясига топширилди. Ўрганилаётган тахминлар, лаборатория таҳлиллари натижалари ҳамда амалга оширилган профилактик тадбирлар тўғрисида қўшимча ахборот берилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги  
Ахборот хизмати.

Таъриба, маҳорат ва амалиёт

Кашқадарё вилояти

## ИЛК БОР СУНЪИЙ БЎҒИМ ҚЎЙИШ АМАЛИЁТИ БАЖАРИЛДИ

**Кашқадарё вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг травматология бўлимида суяк-бўғим касалликлари ва жароҳатларига таъхис қўйишда илгор тиббий технологиялар жорий этилиши касалликларни эрта аниқлаш ҳамда самарали даволаш имконини бермоқда.**

– 8 йилдан буён чаноқ-сон бўғиминида оғриқ бор эди, – дейди **Яккабоғ Туманида яшовчи Қувондиқ Кўчқоров**. – Бир неча марта туман марказий шифонасида, 2015 йилда Тошкентга бориб даволаниб келдим. Лекин оғриқ камаймади. Оғриқ зўрайгани сайин юрولмай қолишдан жуда чўчирдим. Айтганим бўлди. Оғир аҳволда вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг травматология бўлимига олиб келишди. Шифокорлар аҳолимни кўриб, сунъий бўғим қўйиш бўйича жарроҳлик амалиётини бажарамиз, деб қолишди. Бу операция вилоятда биринчи марта бажарилаётган экан. Тўғриси, аввалига бироз чўчидим, бироқ шифокорлар бу усулнинг афзалликларини тушунирганидан сўнг рози бўлдим. Адашмаган эканман, операциядан кейин оёғимдаги оғриқлар кетди. Ҳозир аҳолим жуда яхши.

Бўлим шифокорларининг муҳим ютуқларидан бири ҳам шу – йирик бўғимлар артрозлари касаллиги билан оғирган беморларни эндопротезлаш, яъни сунъий бўғим ўрнатиш операцияси бўлди.

Маълумки, бўғим касалликлари жаҳон тиббиётининг долзарб муаммоси бўлиб, бу дард

беморнинг ҳаёт сифати бузилишига, ногиронликка олиб келади. Операцияни бажариш учун юқори малакага эга мутахассислар билан бирга илгор тиббий технологиялар талаб қилинади. Бу усул авваллари фақатгина пойтахтда хорижий ва маҳаллий мутахассислар иштирокида амалга оширилган бўлса, эндиликда вилоятимизда йўлга қўйилди.

– Артроз – бўғимни шакллантирувчи тўқималар ривожланишининг бузилиши оқибатида пайдо бўлади, – дейди **вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази травматология бўлими бошлиғи Элёр Андақулов**. – Меъёрий ҳолатда тоғай юзалари, боғламлари, бўғим қопчасида доимий янгилиниш жараёни пайдо бўлади, ammo бу бирдан сезилмайди. Ёшга доир ўзгаришлар оддий регенерация қайта тикланиш ҳодисасига таъсир кўрсатиб, дегенерацияга йўл очади. Натижада тоғай юзалари, косачаларда эрозия (яралар) пайдо бўлади. Яралар кенгайди, тоғай тагида жойлашган говак суякларда ўзгариш бўлиб, шу жой очилиб қолади. Бундан суяклардаги нерв толалари зиён кўради ва оғриқ келиб чиқади. Ўзгариш нафақат тоғайда, бойламлар, синовиал пардада ҳам юзга келиши мумкин ва у катталашгани

сайин оғриқ ҳам зўрайиб бораверади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, артрозлар тўрт хил даражага бўлинган. Биринчи ва иккинчи даражали артроз бошланғич давр ҳисобланиб, дори-дармонлар ёрдамида даволанади. Бунда асосан чаноқ-сон бўғим соҳасидаги қон айланишини яхшиловчи, бўғим тоғайини озиклантирувчи препаратлар, гел ва суртмалар ҳамда комплекс витаминлар буюрилади. Оёқни ҳаракатлантириш сезиларли даражада чекланса, оёқда калталиқ пайдо бўлса, бемор оқсоқланиб юра бошласа, шифокорлар рентген ва бошқа турдаги зарур текширувларни ўтказиб, таъхис қўяди. Агар бу коксартрознинг учинчи ёки тўртинчи даражаси бўлса, беморга эндопротезлаш амалиёти тавсия этилади. Мазкур операциянинг соддароқ изохи – шикастланган бўғимни сунъийси билан алмаштириш.

– Эндопротез махсус металл қорихмасидан таркиб топган, – дейди **олий тоифали травматолог Урин Раҳимов**. – Протез бўғим шаклини такрорлайди, маҳкамланганидан сўнг оёқни ҳаракатлантиришда ҳеч қандай муаммо кузатилмади. Оғриқ ҳам йўқолади. Протезнинг чаноқ қисми ичидаги ёстиқча полиэтилен ёки керамикадан, сон бошчаси пўлат ёхуд керамика, оёқча қисми эса титан қорихмасидан тайёрланади. Эндопротез бўғим механикасини тўлиқ қайтаради. Дунё бўйича эндопротез

амалиёти 15 йил муддатга кафолатланади. Белгиланган вақт ўтганидан сўнг протезни алмаштириш зарурати пайдо бўлиши мумкин. Бироқ, агар бемор соғлиғига эътиборли бўлса, амалиёт мазмун-моҳиятини чуқур англаб етса, протез 15 йилдан ҳам зиёдроққа етади. Шунинг учун беморга сунъий протез қўйилгач, бир қанча шартларга риоя қилиши таъкидланади. Хусусан, оғир юк кўтармаслик, баландликдан сакрамаслик, турли характердаги шикастланишлардан эҳтиёт бўлиш, тана вазнининг меъёрдан ортмаслиги, шамоллашдан сақланиш, спорт машғулотлари билан шуғулланганда бўғимга зўриқиш тушишидан ҳимояланиш лозим.

**Шу ўринда бир савол туғилди: сунъий бўғим қўйиш бўйича жарроҳлик амалиёти исталган беморда бажарилаверадими?**

– Операция ўтказилиши учун беморнинг юраги, буйрақлари, артериал қон босими, қонда қанд миқдорининг кўрсаткичи меъёрда бўлиб, у шамоллаш, аллергия ёки турли хил тошмалардан ҳоли бўлиши шарт, – дейди **бўлим шифокори Умид Мўминов**. – Бордию бемор соғлиғида

бирор ўзгариш аниқланса, у аввал тор доирадаги шифокорлар кўригидан ўтиб, сўнг протезлаш амалиётига йўналтирилади. Операция учун бир-икки ҳафталик тайёргарлик шарт эмас, беморнинг соғлиғидан шикоят йўқ бўлса, шифохонага ётқизилган куннинг эртасига жарроҳлик амалиётини ўтказиш мумкин.

Организм протезга осон қўникадими деган савол ҳаммани қизиқтириши табиий.

– Одатда сунъий бўғим билан муаммо бўлмайди. Бироқ айрим ҳолларда бемор бир неча кун безовталаниши, тана ҳарорати кўтарилишидан азият чекиши мумкин, – дейди **шифокор Урин Раҳимов**. – Бунда иситма чиқishi яраниннг ўзига боғлиқми ёки эндопротезга нисбатан умумий реакцияси, текширилади. Бордию, яраниннг ўзига ялғиланиш мавжуд бўлса, тана ҳарорати кўтарилиши мумкин. Бемор оёққа туриб, қадам ташлашни бошламагунча шифокор назоратида бўлиб туради. Организмнинг сунъий бўғимга қўникаши қийин кечса, махсус препаратлар ёрдамида бунинг ҳам чораси кўрилади.

**Ҳа, тани соғлом, руҳи тетик инсонлар эртанги кунга умид билан, ҳаётдан, жамиятдан мамнун бўлиб яшайди. Тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ислохотлар замирида ҳам халқимиз саломатлигини тиклаш, уларнинг соғлом, узок ва мазмунли умр кечиришини таъминлашдек эзгу мақсадлар мужассамдир.**

Шоҳиста БОЗОРОВА.

Фарғона вилояти

Имконият

## ТИББИЙ ХИЗМАТ: СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК

**Мамлакатимизда тиббий хизмат сифатини янада юксалтириш, айниқса, соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятини замон талаблари даражасида тақомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**



Фарғона вилоятидаги 15 тиббиёт муассасасида 21,7 миллиард сўмлик реконструкция ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди. «Саломатлик-3» лойиҳаси доирасида кўп тармоқли марказий поликлиника ва шаҳар оилавий поликлиникаси 1,6 миллион доллар қийматидаги тиббий-асбоб ускуналар билан жиҳозланди.

Вилоятдаги 89 та қишлоқ оилавий поликлиникаси ва 62 та қишлоқ врачлик пунктида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш учун барча имкониятлар яратилган. Муассасалар тегишли давлат дастурлари ва лойиҳалар асосида босқичма-босқич сўнгги русумдаги таъхис ва

даволаш аппаратлари, лаборатория ускуналари ва бошқа жиҳозлар билан таъминланмоқда. Ҳар йили худудий манзилли дастурлар ижроси доирасида белгиланган қишлоқ оилавий поликлиникаларида курилиш ва реконструкция ишлари олиб борилаётир.


Ўтган давр мобайнида шаҳар ва туманларда 2 миллион 396 мингдан зиёд аҳоли чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. Бу турли касалликларни эрта аниқлаш ва зарур муолажа қилиш имконини берди.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизлар саломатлигини асраш йўлида ҳам кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. «Соғлом аёл оилги» ва бошқа саломатлик ҳафталикла-

ри ташкил этилгани бу борада яхши самара бермоқда. Вилоятда ҳисобга олинган 58 мингга яқин ҳомиладор аёлнинг барчаси тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказилиб, зарур маслаҳатлар берилди. Вилоят скрининг марказида 21 минг 329 нафар ҳомиладор аёл ультратовуш текширувидан тўлиқ ўтказилди.

Тиббиёт муассасаларини малякали кадрлар билан таъминлаш ҳам доимий эътиборда. Жумладан, тиббиёт олий ўқув юртларининг 200 дан ортиқ битирувчиси билан уч томонлама шартнома имзоланиб, улар фаолият бошлади. Аҳолига ихтисослашган ёрдам кўрсатувчи 278 нафар шифокор республика, 6 нафар тиббий ходим хорижий клиникаларда малака ошириб қайтди. Шунингдек, Россия, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Беларусь, Германия каби тиббиёт ривожланган мамлакатлардан мутахассислар келиб беморларни даволаш ва кўргазмалар жарроҳлик амалиёти ўтказишда вилоят мутахассислари билан таъриба алмашди.

– Жорий йилда вилоят бошқаруви кўп тармоқли тиббиёт марказида 15 ўринли бошқаруви нејрохирургия ва 15 ўринли кардиохрургия бўлими очилди, – дейди **вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Одилжон Умаров**. – Илгари пойтахтга бориб даволаниши лозим бўлган беморлар вилоятдаги марказларнинг ўзига даволаниши мумкин. Бўлимларда шу кунгача туғма юрак пороги билан оғирган 70 дан ортиқ болада юракнинг очиқ усулдаги ва 100 дан зиёд болада ёпиқ усулдаги, шунингдек, 50 га яқин мураккаб нејрохирургик операциялар муваффақиятли ўтказилди.



Президентимизнинг 2017 йил 29 декабрдаги «Хусусий тиббиёт ташкилотларини ривожлантириш бўйича қўшимча шарт-шароитларни яратиш тўғрисида»ги қарори соҳада хусусий секторни ривожлантириши давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган муҳим қадам бўлди. Вилоятда ҳам тиббиёт соҳасининг хусусий секторини барқарор ривожлантириш, ушбу тармоқ фаолиятини янада кенгайтиришга давлат соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан кўрсатилган кенг турдаги тиббиёт хизматларини сифат жиҳатидан юксалтириш ва янада тўлдириш имконини берадиган таркибий қисм сифатида қаралмоқда. 2018-2019 йилларда хусусий тиббиёт ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйиш ва кенгайтириш бўйича манзилли лойиҳалар дастури асосида 33 та лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган. Жорий йилнинг ўтган даврида

60 та янги тиббиёт муассасаси иш бошлади. Шу кунгача вилоятда хусусий тиббиёт ташкилотларини ривожлантириш бўйича ажратилган 1 миллион АҚШ доллари миқдорига кредит маблағлари 8 та хусусий тиббиёт масканига тақсимланиб, тўлиқ ажратиб берилди.

Вилоятда тиббиёт соҳасида ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжуд. Бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасалари 1998-2002 йилларда «Саломатлик-1» ва «Саломатлик-2» лойиҳалари асосида берилган тиббий жиҳозлар маънан эскирган ёки фойдаланишга яроқсиз ҳолга келиб қолган. 89 та қишлоқ оилавий поликлиникасининг барчаси мослаштирилган бинода жойлашган, 2017-2018 йилларида 19 таси реконструкция қилинган бўлса, қолганларини инвестицион дастур асосида таъмирлаш кўзда тутилган.

ЎЗА.

**Объявление**

**ЗАПРОС НА ВЫРАЖЕНИЕ ЗАИНТЕРЕСОВАННОСТИ  
(КОНСАЛТИНГОВЫЕ УСЛУГИ)  
УЗБЕКИСТАН  
ПРОЕКТ "МОДЕРНИЗАЦИЯ ОНКОЛОГИЧЕСКИХ УЧРЕЖДЕНИЙ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН"**

Сектор общественного здравоохранения  
КОНСУЛЬТАЦИОННЫЕ УСЛУГИ (ТРЕНИНГ)  
Номер финансирования UZB – 063

Правительство Республики Узбекистан получило финансирование от Исламского банка развития для реализации проекта "Модернизация онкологических учреждений Республики Узбекистан" и намерено использовать часть полученных средств на услуги по обучению (повторный отбор). Услуги включают в себя обучение следующих специалистов:

№	Специальность	Количество людей
1)	<b>Врачи радиотерапевты, из них:</b>	<b>37</b>
a.	Врач радиотерапевт по дистанционной терапии	24
a.	Врач радиотерапевт по брахитерапии	13
1)	<b>Медицинский физик</b>	<b>8</b>
a.	Медицинский физик по дистанционной терапии	5
a.	Медицинский физик по брахитерапии	3
1)	<b>Специалист по радиационной безопасности</b>	<b>2</b>
1)	<b>Средний медперсонал</b>	<b>6</b>
	<b>ВСЕГО:</b>	<b>53</b>

Вышеуказанные специалисты должны быть обучены для предоставления современных услуг радиотерапии с использованием аппаратов дистанционной терапии и брахитерапии, которые будут закуплены в рамках данного проекта, в том числе:

№	Описание
1.	Линейный ускоритель
2.	Система для дистанционной лучевой терапии (с источником кобальт-60)
3.	Аппарат для внутриволостной лучевой терапии (с источником кобальт-60)

Предлагается следующий поэтапный подход к обучению:  
а. Фаза 1. Тренинг для тренеров в соответствующем специализированном учебном центре, который будет выбран в рамках данного отбора консультанта.  
б. Фаза 2. Тренера будут проводить дальнейшую подготовку практикующих врачей в Узбекистане.

Общее уведомление о закупках для данного проекта было опубликовано на веб-сайте Исламского банка развития 29. 09. 2014 г. и Министерства здравоохранения Республики Узбекистан 23.10. 2014 г., а также в газете Asharq Al-Awsat 11.12.2014г., выпуск № 13162.

Министерство здравоохранения Республики Узбекистан настоящим приглашает правомочных учебных центров для выражения их заинтересованности в предоставлении услуг. Заинтересованные учебные центры должны предоставить информацию, указывающую, что они квалифицированы для выполнения услуг (брошюры, описание подобных заданий, опыт работы в аналогичных условиях, наличие соответствующих навыков среди персонала и т.д.).

**Опыт и ресурсы в следующих областях или задачах являются минимальным требованием для данного задания:**

- 1) Организация специализированного обучения для медицинского и технического персонала отделений лучевой терапии (радиационные онкологи, медицинские физики, операторы радиотерапии и специалисты по радиационной защите);
- 2) Квалифицированный преподавательский состав в каждой области лучевой терапии (радиационная онкология, медицинская физика, радиационная защита), с клинической практикой;
- 3) Техническая инфраструктура:
  3. 1. Дистанционная лучевая терапия: один линейный ускоритель.
  3. 2. Внутриволостная лучевая терапия (брахитерапия).
  3. 3. Симулятор различной модификации (с генератором излучения и КТ).
  3. 4. Система планирования лечения или доступ к компьютеризованному планированию лечения.
  3. 5. Мастерская по изготовлению формирующих блоков.
  3. 6. Оборудование для дозиметрии и физической гарантии качества.

В случае если учебный центр не может обеспечить наличие всего оборудования и применение всех методов, руководитель организации должен в сотрудничестве с другими координаторами принять надлежащие меры для осуществления ротации обучающихся между центрами-филиалами, в которых эти методы применяются.

Учебные центры могут выражать заинтересованность в форме ассоциации, подтвержденной соглашением между членами ассоциации, в котором четко указывается тип ассоциации, т.е. совместное предприятие, промежуточные формы ассоциации или суб-консультант.

Учебный центр будет отобран в соответствии с процедурами, изложенными в Руководстве по использованию консультантов при финансировании Исламского банка развития (текущее издание).

**Заинтересованные учебные центры могут получить дополнительную информацию по указанному ниже адресу в рабочее время, с 09:00 до 18:00 (по местному времени).**

**Выражения заинтересованности должны быть доставлены по указанному ниже адресу до 15:00 (местное время, Ташкент), 03 декабря 2018 года.**

Министерство здравоохранения Республики Узбекистан

Объединенная группа реализации проекта

Республика Узбекистан, г. Ташкент 100007, ул. Навои 12.

Тел./факс: 99871-268 25 39 (Доб.: 124), e-mail: idb.onco@gmail.com

**ADVERTISEMENT  
REQUEST FOR EXPRESSIONS OF INTEREST  
(CONSULTANT SERVICES)  
SUPPORT TO THE DEVELOPMENT OF ONCOLOGY SERVICES PROJECT IN  
THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**  
Public Healthcare Sector  
CONSULTING SERVICES (TRAINING)  
Financing No. UZB – 063  
ICB No.: UZB-063/C02-Re

The Government of Uzbekistan has received financing from the Islamic Development Bank toward the cost of the "Support to Development of Oncology Services Project in the Republic of Uzbekistan", and intends to apply part of the proceeds for training services (repeatedly). The services include training of the following number of specialists:

No.	Specialty	Number of people
1)	<b>Therapeutic radiologists, including:</b>	<b>37</b>
a.	Therapeutic radiologist on teletherapy equipment	24
a.	Therapeutic radiologist on brachytherapy equipment	13
1)	<b>Medical physicist</b>	<b>8</b>
a.	Medical physicist on teletherapy equipment	5
a.	Medical physicist on brachytherapy equipment	3
1)	<b>Radiation safety specialist</b>	<b>2</b>
1)	<b>Paramedical personnel</b>	<b>6</b>
	<b>Total:</b>	<b>53</b>

Above indicated specialists shall be trained for provision of contemporary radiotherapy services using linear accelerators, tele- and brachytherapy equipment procured by the project, including:

No.	Description
1.	Linear accelerator
2.	External Beam Therapy System (cobalt-60 source)
3.	HDR Afterloader Unit (cobalt-60 source)

The following phased training approach is proposed:

- a. Phase 1. Training of trainers at appropriate specialized training center, which will be engaged under this consultant selection.
- b. Phase 2. The trainers will conduct further training of practitioners in Uzbekistan.

Please refer to the General Procurement Notice (GPN) for this project that appeared on the websites of Islamic Development Bank on 29. 09. 2014 and Ministry of Health of Uzbekistan on 23. 10. 2014, and in the newspaper Asharq Al-Awsat on 11.12. 2014, issue 13162.

The Ministry of Health of Republic of Uzbekistan now invites eligible training centers to indicate their interest in providing the services. Interested training centers must provide information indicating that they are qualified to perform the services (brochures, description of similar assignments, experience in similar conditions, availability of appropriate skills among staff, etc.).

**Experience and resources in the following area or tasks shall be the minimum requirement for this assignment:**

- 1) Organization of specialized training for medical and technical personnel of radiotherapy services (radiation oncologists, medical physicists, radiotherapy operators and radiation protection officers);
- 2) Qualified teaching staff in each area of radiotherapy (radiation oncology, medical physics, radiation protection), embedded in clinical practice;
- 3) Technical infrastructure:
  3. 1. Radiotherapy: at least one linear accelerator.
  3. 2. Brachytherapy unit: high dose-rate.
  3. 3. Treatment simulator, either a conventional simulator or CT-simulator.
  3. 4. Treatment planning system or access to computerized treatment planning.
  3. 5. Mould room facility.
  3. 6. Equipment for dosimetry and physical quality assurance.

In the event that the training center cannot provide all required equipment/techniques for the training purposes, cooperation of several training centers can be established in order to organize a comprehensive training program that will meet these requirements.

Training centers may express interests in the forms of association, validated by an agreement among members of the association, which clearly specifies the type of association, i.e. a joint venture, intermediate forms of association, or sub consultancy.

A training center will be selected in accordance with the procedures set out in the Guidelines for the Use of Consultants under Islamic Development Bank Financing (current edition).

**Interested training centers may obtain further information at the address below during office hours, from 09:00 to 18:00 (local time).**

**Expressions of interest must be delivered to the address below by 15:00 pm (Local time, Tashkent), December 03, 2018.**

Ministry of Health of Uzbekistan

United Project Management Unit

12, Navoi str., Tashkent, 100007, Republic of Uzbekistan

Tel./fax: +99871-268-25-39(124), e-mail: idb.onco@gmail.com

**РЕСПУБЛИКА ШИФОКОРЛАРИ ОЛИС ҚИШЛОҚЛАР АҲОЛИСИ ҲУЗУРИДА**

**Нарпай тумани тиббиёт бирлашмасида Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиали томонидан "Онкологик касалликларнинг олдини олиш ва барвақт аниқлаш хизматини янада такомиллаштириш" мавзусида семинар ташкил этилди.**

Филиалнинг шифокор-мутахассислари туман кўп тармокли марказий поликлиникаси, шу билан бирга, «Ибн Сино» маҳалласида жойлашган қишлоқ оилавий поликлиникасида онкологик касалликларни барвақт аниқлаш ва профилактика қилиш мақсадида 370 нафардан зиёд аҳолини тиббий куриқдан ўтказди.  
– Тиббий куриқда диспансер назо-

ратида турган беморлар тўлиқ текширувдан ўтишди, – дейди Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиали директори ўринбосари Баҳодир Бойқобилов. – Шифокорларимиз уларга қўйилган тахис натижаларини синчиқлаб ўрганганида ўнга яқин беморларда саратон олди

касаллиги, айниқса, хотин-қизларда учрайдиган сут бези, бачадон бўйни ҳамда ошқозон саратони каби хасталиклар аниқланди.

Мутахассислар томонидан касаллик белгилари аниқланган фуқароларга керакли тиббий маслаҳатлар берилди. Уларга самарали даволанишлари учун марказнинг Самарқанд филиалига йўлланма ажратилди. Шунингдек, семинар давомида маҳаллий шифокорларга онкологик касалликларни даволашда замонавий усуллардан фойдаланиш борасида маслаҳатлар берилди.

**Дилмурод ТЎХТАЕВ.**



## Сфера здравоохранения

## ДОВЕРИЕ НАРОДА – ВЫСШАЯ ЦЕЛЬ

В стране реализуются последовательные меры по дальнейшему совершенствованию организации деятельности первичной медико-санитарной помощи, улучшению здоровья граждан путем расширения охвата населения качественными услугами, повышению качества специализированной медицинской помощи, профилактических мер по предотвращению заболеваний.

деятельность медицинского совета, постоянно действующей комиссии, совета медицинских работников, школа здоровья, а также дневного стационара, рассчитанного на 12 койко-мест. Кроме этого работают кабинеты физиотерапии и массажа.

Семейная поликлиника № 3 Мирабадского района оснащена современной медицинской техникой, в частности, аппаратами УЗИ, ЭКГ, биохимическим анализатором. В 2017 году были получены два автомобиля марки "Дамас".

За последние годы значительно улучшена служба патронажа, благодаря чему за прошедший период текущего года около 200 пациентов были излечены на дому. В ходе недавно прошедшего "Месячника здоровой женщины" свыше семи тысяч представительниц прекрасного пола прошли обследование, получили соответствующие рекомендации.



Семейная поликлиника № 3 Мирабадского района столицы оказывает первичную медико-санитарную помощь жителям девяти махаллей, трех общеобразовательных школ, двух профессиональных колледжей и четырех дошкольных образовательных учреждений. Общая численность обслуживаемого населения превышает 31 тысячу человек. При этом ежедневно осуществляется прием около 500 пациентов.

При входе в современное здание медицинского учреждения можно понять, что основным критерием работы его персонала является оправдание доверия народа. Здесь созданы все удобства для людей. Посетители поликлиники сразу же могут увидеть стенд со справочной информацией. Если им необходимо пройти плановое обследование, то они могут записаться на прием к врачу заблаговременно. Это можно осуществить в двух вариантах: по телефону или не выходя из дома, в электронной форме. Созданная электронная база данных



пациентов намного упрощает порядок их постановки на очередь к тому или иному врачу.

На сегодняшний день в поликлинике работают 35 врачей и 63 медицинских работника среднего звена. Это – врачи общей практики, хирург, инфекционист, кардиолог, невропатолог, уролог, офтальмолог, отоларинголог, эндокринолог, гинеколог, иммунолог, детский невролог и кардиоревматолог. Налажена

Коллектив поликлиники на регулярной основе проводит консультации с женщинами фертильного возраста, ведет широкую разъяснительную работу по повышению медицинской культуры населения, предотвращению ранней беременности, предоставляет подробную информацию о современных средствах контрацепции и гигиены. Специалистами реализуются системные меры по за-



щите материнства и детства, проводятся обследования и прививки. В свою очередь руководством осуществляется строгий учет выделенных государством на бесплатной основе медицинских препаратов.

В центре внимания находятся ветераны, одинокие престарелые, лица с инвалидностью, а также граждане, нуждающиеся в социальной опеке. Старания врачей приносит результаты. Так, по сравнению с аналогичным периодом прошедшего года показатели смертности уменьшились на 20 процентов, примерно настолько же уменьшились случаи заболеваний системы кровообращения.

– При поддержке хокимията Мирабадского района и врачей поликлиники мне на бесплатной основе была проделана операция по удалению катаракты обеих глаз, – рассказывает 66-летняя жительница махалли "Истиклолбод" Мавлуда Олмасова. – Сегодня я снова вижу мир во всех его красках. Пользуясь случаем хочу сердечно поблагодарить главного врача поликлиники Зухру Ахмедову за

проявленную заботу, отзывчивость и внимание.

Последовательно развивается сотрудничество с активистами махаллей, сотрудниками органов внутренних дел и образовательных учреждений.

На основе традиций "учитель – ученик" опытными специалистами передают опыт молодежи. Здесь стоит отметить заслуги врачей общей практики Нигоры Абдуллаевой и Марины Сураевой.

Ежегодно согласно утвержденному графику осуществляется повышение квалификации медперсонала на базе Ташкентского института усовершенствования врачей, где они обретают современные знания в сфере ИКТ, учатся правильно оформлять текущую документацию.

В семейной поликлинике организуются мастер-классы, встречи, семинары, посвященные широкой пропаганде здорового образа жизни, профилактике алкоголизма и наркомании, борьбе со СПИДом и другими инфекционными заболеваниями.

Деятельность медицинского учреждения можно считать примером для подражания для всех остальных. Все эти меры на пути оправдания доверия народа, дают свой эффект, ибо каждое новшество граждане воспринимают с удовлетворением.

Х. УБАЙДУЛЛАЕВ,  
Фото автора.

## Дил изҳори

## «МЕН СИЗДАН ДАВО ТОПДИМ, ЖОНГА ЖОН ШИФОКОРЛАР»

Кейинги пайтларда юрагимдаги кучли оғриқ безовта қилиб, қон босимим тез-тез кўтарилди. Худудимиздаги оилавий поликлиниканинг мутахассисларига мурожаат қилганимда улар тезда даволанишим зарурлигини айтишди. Шайхонтоҳур туман тиббиёт бirlашмаси томонидан имтиёзли йўлланма орқали Тошкент тиббиёт академияси клиникасининг 1-кардиология бўлимига қабул қилишди. Саломатлигимни тиббий кўриқдан ўтказган малакали шифокорлар зудлик билан даво муолажаларини бошлаб юборишди. Айниқса, кли-

никанинг бош шифокори Шухрат Дадажонов ҳамда малакали шифокор Дилором Маъруфовна, бўлим бошлиғи Ҳасан Бахтиевич, даволочси шифокор Алижон Аҳмадович, бош ҳамшира Назокатхон, бир-биридан чаққон ҳамширалар Мавлуда, Назокат, Раъно, Озода, шунингдек, кичик тиббиёт ходимларидан Умида, Раъна, Насиба ва Ўғиллоларга чексиз ташаккуримни билдираман. Масъулиятли ишларига муваффақиятлар, ўзларига эса сihat-саломатлик тилаб қоламан.

Вазира МУҲАМЕДОВА,  
Тошкент шаҳри, II гуруҳ ногирони.

Шифокор деганда кўз олдингизга оқ халатли, кўзлари меҳр билан боқувчи, ширинсухан инсонлар келади. Аслида ҳам шифокор ана шундай бўлиши керак. Негаки, улар энг аввало, беморни ширин сўзи, меҳрли нигоҳи билан даволайди. Яқинда Тошкент туманидаги 2-сонли туман шифохонасида даволаним. Тузалишимга дори-дармондан кўра, шифокорларнинг хушмуомаллиги ва эътибори кўпроқ таъсир қилди, десам муболаға бўлмайти. Тажрибали шифокор Хусан Ҳамидов бош бўлган жамоадаги Н. Тожихо-

нов, О. Арипов сингари шифокорлар, Ё. Саримсоқова, Г. Иргашева, Н. Қосимова сингари ҳамширалар, М. Нурбекова ва У. Алиева сингари озодалик фаришталари ҳам беморларга ўз жигарларидай меҳрибон ва эътиборли бўлишди. Ана шундай қалб пок, ўз ишининг моҳир усталарига чексиз миннатдорлигимни билдириб, ўзларига соғлиқ, ишларига омад тилайман.

Зинаида РОТАРЬ,  
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани.

Газета  
муассиси:  
Ўзбекистон  
Республикаси  
Соғлиқни  
сақлаш  
вазирлиги

Бош муҳаррир  
Баҳодир ЮСПАЛИЕВ  
Бош муҳаррир ўринбосари  
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Тахририятга келган кўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилими: 100060, Тошкент шаҳри,  
Истиклол кўчаси, 30-уй, 2-қават.  
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета  
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот  
агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни  
рўйхатта олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари тахририят  
компьютер марказида  
терилди ва саҳифаланди.

Адади 2284 нусха.  
Буюртма Г-1137.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида  
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Газета ҳақми 2 босма табоқ, Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚУШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.